



No'kis q. A.Dosnazarovk. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, faks: 222-98-30,  
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

« 16 » апрель 2021 й.

03-03/03- 1935 - сонли

Нусхаси:

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигига  
Нукус шаҳри “Байтерак” маҳалла  
фуқаролар йиғини Кўхна қалъа Таза  
кўчаси 4-жойда истиқомат қилувчи  
А.Байжигитовага

Нукус шаҳри “Байтерак” маҳалла фуқаролар йиғини Кўхна қалъа Таза кўчаси 4-жойда истиқомат қилувчи А.Байжигитованинг Ўзбекистон Республикаси Президентига Халқ қабулхонаси орқали 2021 йилнинг 2 апрел куни йўллаган мурожаати атрофлича вазирлик томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

А.Байжигитованинг фарзанди Абдуллаева Гулдана Бегдуллаевна 2014 йил 31 июль куни Нукус шаҳрида туғилган. Г.Абдуллаеванинг ташхиси: “Двухсторонная сенсоневральная туго-ухост III-IV степени, задержка психоречевого развития”.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2013 йил 25 сентябрдаги 38, 25, 72к/қ-сонли “Болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” қарори асосида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 24 октябрда 2519 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) вазирлик ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссиясига Г.Абдуллаеванинг отаси Б.Хожамбергенов 2020 йилнинг 26 август куни “Қизи Г.Абдуллаевани вазирликка қарашли 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига қабул қилиш тўғрисида”ги ариза мурожаат қилди. Вазирлик ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссияси томонидан Г.Абдуллаева кўриқдан ўтказилиб, комиссиянинг 2020 йил 26 август кунги 17/4-20-сонли йўлланмаси билан вазирликка қарашли 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига жойлаштириш учун юборилган. Г.Абдуллаева 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасининг “0”-синфига қабул қилинган. Турли сабаблар билан 2020 йилнинг ноябр ойида А.Байжигитовага Г.Абдуллаеванинг ҳужжатларини бериб юборишган.

Мурожаат бўйича вазирлик ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссияси аъзолари чақирилиб, Г.Абдуллаева кўриқдан ўтказилди. Психологик-тиббий-педагогик кўрик хулосасига кўра Г.Абдуллаева 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига



жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб топилди ва шу муассасага Г.Абдуллаева жойлаштирилди.

А.Байжигитова вазир номига берган тушунтириш хатида “Г.Абдуллаева 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига жойлаштирилганлиги ва мурожатининг ўрганилиши бўйича қаноатланганлигини ва миннатдорчилик билдирган”.


4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси раҳбариятига Г.Абдуллаевага таълим-тарбия беришда тегишли кўрсатмалар берилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ушбу жавобдан норози бўлган тақдирда А.Байжигитовага юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи бор эканлиги тушунтирилди.

Вазирнинг ўринбосари



Ш.Таджимуратов



Қарақалпақстан Республикаси  
Халық Билемлендиреу  
министери Р. Реймлова.

Мен Байжетова Нурараи

### Тусеник хат.

Уса тусеник хат арзали сизге едилми  
етип билдиремен. Узбекистан Республикаси  
Президентине жазган арзали 2-апрель  
кунин 2021-жыл. Халық Билемлендиреу  
министирлигинде Психологик тибий  
Педагогик комиссиясинин Врачларов  
тарапинен уйренип шоталды. Хэл  
Н.ини Интернатта жаыгастырыуор  
арышот деп тартот. Мен арзали бойынша  
уйренилгенине канаатланды. Билемлендиреу  
министаринга карашлар хэл ишкерилерге  
миндариштык билдиремен. Уса тусеник  
хатты оу созми хэл оу калып менен  
жазган тиле хат беримин

Байжетова Нурараи.  
2021-жыл 9-апрел